

САНОАТ ЗОНАЛАРИ ҲУДУДИНИ АРХИТЕКТУРАВИЙ-РЕЖАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ

Бердиев Малик Холиқулович

катта ўқитувчи

Жалилов Зиёдулло Фазлиддин ўғли

магистр

Samarqand davlat Arxitektura-qurilish universiteti

(Uzbekistan)

djumoqulov1985@gmail.com

***Аннотация:** Мазкур мақолада, саноат зоналари ҳудудини архитектура-режавий ташкил этиш ва архитектуравий лойиҳалаш услублари ҳамда саноат зоналарини тўғри жойлаштириш ва ривожлантириш тадқиқ қилинган.*

Бугунги кунда замонавий шаҳарсозликни ҳудудий ривожлантириш вазифасига қараб, ҳудудлаштириш, режавий тузилма, муҳандислик-транспорт инфраструктураси, табиий бойликлардан унумли фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳарларда саноат зоналарини ривожлантириш, лойиҳалаш, ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ҳамда муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Шу сабабдан *саноат зоналари ҳудудини архитектура-режавий раёнлаштириш* бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Шаҳарсозликда саноат зоналарини лойиҳалаш моабайнида-шаҳар аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш ҳудудлари саноат корхоналарини умумий ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар асосида бирлаштирадиган ишлаб чиқариш зоналари кўринишида шакллантириш лозим. Саноат зоналарининг режалаштирилиши ва қурилиши лойиҳалари ва схемаларида тегишли ишлаб чиқариш соҳаларининг истиқболли ривожланиши бўйича прогнозларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг ривожланиши навбат-лилигини кўзда тутиш лозим.

Ишлаб чиқариш қурилиши функционал зоналари, муҳандислик ва транс-порт инфратузилмалари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

коммунал зоналар - коммунал ва омборхона объектлари, уй-жой-коммунал хўжалиги объектлари, транспорт объектлари, улгуржи сав-до объектлари жойлашган зоналар;

саноат зоналари - атроф-муҳитга таъсир меъёрлари ҳар хил бўлган ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек темир йўлнинг кириш йўллари жойлашган ва одатда, эни 50 метрдан катта бўлган санитария-ҳимоя зоналари ташкил этилишини талаб қиладиган зоналар;

ишлаб чиқаришнинг бошқа турларига оид, муҳандислик ва транспорт инфра-тузилмалари (илмий-ишлаб чиқариш зоналари, технопарклар).

Ишлаб чиқариш зоналарида ушбу зонада жойлашган корхоналарга хиз-мат кўрсатувчи авария-кутқарув хизмати объектларининг бинолари ва иншо-отлари, зона ҳудудида жойлашган объектлар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муҳандислик ва транспорт инфратузилмалари объектлари, ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолига хизмат кўрсатувчи объектларни ва бошқа турдаги объектларни жойлаштиришга рухсат этилади.

1. Ишлаб чиқариш зоналари ҳудудида корхоналар ва бошқа объектларни жойлаштириш ва қайта тиклашда улардан фойдаланиш жараёни хавфсиз-лигини таъминловчи чораларни

назарда тутиш, шунингдек, корхоналарнинг биронтасида авария содир бўлган ҳолда теваарак-атрофдаги туташган жойлар-даги аҳолини хавфли таъсиридан химоя қилишни ва бошқа корхоналарнинг ишлаш хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларни назарда тутиш лозим. Ишлаб чиқариш ва бошқа объектларнинг хавфлилик даражаси техник рег-ламентларга мувофиқ қонунларда ўрнатил-ган тартиб бўйича аниқланади.

2. Тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳисобланувчи ва ишлаб чиқариш корхо-наларини реконструкция қилишда тарихий меросни сақлашга қаратилган чораларни кўзда тутмоқ зарур.

Саноат зоналарини функционал-режавий ташкил этиш мавзелар (қизил чизиқлар чегарасида) кўринишида бўлиб, уларнинг ичидаги асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари ўзларининг жойлашиши, юк обороти ва транспорт тури, шунингдек қурилиш навбатига қараб ҳамда санитария-гигиеник ва ёнғинга қарши талабларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши назарда тутилади.

Санитария-химоя зоналарининг ўлчамлари корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг санитария таснифини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Санитария-химоя зонаси кенглигининг етарлилигини саноат кор-хоналари чиқиндилари таркибидаги зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалиш ҳисоби билан, шунингдек ушбу меъёрларнинг 1 қисми талабларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш зарур.

Айрим янги саноат корхо-наларини саноат ва турар-жой қурилишини жойлаштириш учун қулай шароитга эга кичик ва ўрта шаҳарларда ёки янги барпо этиладиган шаҳар аҳоли пунктларида жойлаш-тириш кўзда тутилиши керак.

Коммунал-омборхона зоналарида (майдонларида) озиқ-овқат (озиқ-ов-қат, гўшт ва сут) саноатини, умумтовар (озиқ-овқат ва озиқ-овқатдан таш-қари), ихтисос-лашган омборхоналарни (музхона, картошка, сабзоват, мева сақлана-диган жой), шаҳар аҳолисига ком-мунал, транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарни жойлаштириш зарур.

Омборхоналарни жой-лаштиришда ер ости бўшлиқларидан максимал тарзда фойдаланиш керак.

Аҳоли пунктларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган омборхоналар биноларининг майдони ва ҳажми, уларнинг ер участкалари ўлчамлари шаҳарсозлик меъёрлари ёки ҳисоблаш асосида аниқланади.

Картошка, сабзоват ва мева сақланадиган жойларнинг санитария-химоя зонаси ўлчамлари 50 метрдан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

Янги ва қайта қурилатган ишлаб чиқариш зоналари таркибида имкони борича табиий захиралар, хом ашё, материалларнинг тўлиқ ва мажмуий ишлатилишини таъминловчи, атроф муҳитга зарарли таъсири бўлмаган ёки анча камайтирилган ишлаб чиқариш-ларнинг мажмуалари шаклланишини кўзда тутиш лозим.

Саноат корхоналари, одатда, саноат зоналари худудида, умумий ёрдамчи ишлаб чиқаришлари ёки инфратузилма объектлари бўлган корхоналар гуруҳлари таркибида, кишлоқ аҳоли пунктларида эса ишлаб чиқариш зоналари таркибида, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиб жойлаштириш лозим.

Саноат зоналарини жойлаштиришда меҳнаткашларнинг йўл вақтлари энг кам бўлиши учун уларнинг турар жой районлари билан оқилона ўзаро таъсирини таъминлаш керак.

Саноат зоналари худудларининг ўлчамлари ва фойдаланиш интенсив-лиги даражаси уларнинг аҳоли пункти тузилишида жойлашуви шароитларига ва унинг худудидаги турли участкалар шаҳарсозлик қийматига боғлиқ ҳолда, корхона-ларнинг соҳавий хусусиятлари, уларнинг жойлашувига санитария-гигиеник ва ёнғинга қарши талаб-ларни, юк айланиши ва

транспорт турлари, шунингдек, қурилиш навбатларини ҳисобга олиб, ихчам жойлашув ва ер ости майдонларидан фойдаланишни кўзда тутиб, қабул қилиниши лозим.

Бунда корхоналар ходимларига ва саноат зонаси атрофида жойлашган обод ҳудуд аҳолисига барча турдаги хизмат кўрсатишнинг ўзаро боғлиқ тизимини шакллантириш лозим.

Саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларининг майдонлари, хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари эгаллаган ҳудуд, одатда, саноат зонаси ҳудудидан камида 70% ни ташкил этиши керак.

Саноат зонаси ҳудудининг эгалланганлиги фоизларда аниқланади, у сано-ат корхоналари ва улар билан боғлиқ объектларнинг тегишли чегаралар ичида-ги майдонлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш муассасалари, жумладан, темир йўл бекатлари эгаллаган майдон киритилгандаги йиғиндисининг аҳоли пункт-тининг бош режасида белгиланган саноат зонасининг умумий ҳудудига нисба-тан белгиланади. Эгалланган ҳудудларга корхона майдонидаги лойиҳалашти-риш топшириғига мувофиқ белгиланган захира участкалари кириши керак.

Саноат корхоналари учун участкалар майдонларининг дастлабки ҳисоб-ланиши техник-иқтисодий асослашлар ёки амалдаги ўхшаш корхоналар бўйича нисбий кўрсаткичлар қўлланиб ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоблар билан белгиланади.

Саноат корхоналарига ажратиладиган участкалар майдони бу кор-хоналарни режалаштириш лойиҳалари билан, саноат корхоналари бош режаларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларга мувофиқ белгиланади.

Турар жой қурилиши доирасида жойлашган корхонанинг атроф муҳитга зарарли таъсирини йўқ қилиш имкони бўлмаганда корхонанинг қувватини камайтириш, унинг соҳасини ўзгартириш ёки уни турар жой қурилишидан ташқарига ўтказилиши кўзда тутилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, саноат зоналари ҳудудини архитектура-режавий ташкил этишда юқоридаги қонуниятлар иғобатга олиниб тўғри лойиҳаланса, шаҳарсозлик ўз ўрни мақсадга мувофиқ ривожланиб боради ва бетарор чиройли бўлади.

Адабиётлар

1. Иевлева, О.Т., Шеин, В.В. Этапы формирования и современные тенденции проектирования и реконструкции промышленных зданий / О.Т. Иевлева, В.В. Шеин // Инженерный вестник Дона. – 2007-2017.
2. Ортиқов А., “Саноат иқтисодёти”. Дарслик, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент 2009 й.
3. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 2.09.12-19